АДОЛАТСИЗ ТЕНДЕР

Вилоят суди раёсати эса юқоридаги маълумотнома асосида дипломнинг қалбакилигига, ундаги «олий маълумот» деган сўзларнинг ҳақиқий эмаслигига қонуний баҳо бермаган.

2 бет

«ТАКСИСТ»ЛАР

Улар савдолашиб бизни ўша кирақашга насияга «сотишди». У бизни ҳамма томони ёпиқ «УАЗ» машинасига ўтказдида, паспортларимизни олиб қўйди.

4 бет

БИР-БИРИМИЗНИ ТУШУНАЙЛИК

– Манави хотинни кўрдингизми? – назоратчи бидирлай кетди. – талабаларнинг чиптасини кўрсатгани етмагандек, гувоҳномасини ҳам ясатириб олибди.

9 бет

ОТА ДЕГАН НОМ

У бу сафар боласини чалажон қилиб қўйганини ҳис қилиб турарди. Ўғли у айтгандай кўрмагандай эмас, орзу-хаваслариии кўролмайдиган бўлиб кетди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 13-dekabr, № 50 (571)

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

Республика Бош прокуратурасида

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўтган ҳафта Республика Бош прокуратурасида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Бош прокурори Рашитжон Қодиров сўзга чиқиб, қатнашчиларни байрам муносабати билан самимий қутлади. Бош прокурор ўз табригида Конституциямизнинг мамлакатимизни демократлаштириш, жамиятни янгилашдаги ўрни катта бўлганини таъкидлади. Айниқса фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида амалга оширилган тарихий ўзгаришларга Конституция асос яратгани алоҳида қайд этилди.

Маълумки, Асосий Қомусимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари белгилаб қўйилган. Прокуратура органлари фаолияти ҳам айнан ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатларини юзага чиқаришга, шу йўналишдаги қонунларга қатъий амал қилинишини таъминлашга қаратилганлиги барчага аён. Бу борада амалга оширалаётган ишлар давлатимиз ва халқимиз томонидан муносиб эътироф этилмоқда Мустақиллик йилларида 170 дан ортиқ прокуратура ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланганлиги фикримизга мисол бўла олади. Жумладан, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ бир неча прокуратура ходимлари мукофот билан тақдирланди. Байрам тадбирида мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговор ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажаришда мардлик ва фидойилик намунасини кўрсаттани, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўлим бошлиғи Базарбай Кудьяровга «Дўстлик» ордени, Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари Шавданбек Алаев ва Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Галина Бурхановаларга «Жасорат» медали, Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи Венера Ташбулатовага «Шуҳрат» медали топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққанлар камтарона меҳнатларининг бу қадар эътироф этилганлиги учун миннатдорчилик билдириб, бундан кейин ҳам мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш йўлида ўз куч-ғайратларини аямасликларини таъкидладилар.

Йиғилишда шунингдек Сурхондарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи Моҳира Қурбоновага «Шуҳрат» медали мамлакат раҳбарияти томонидан топширилиши маълум қилинди. Ўтган ҳафтада мазкур мукофот мамлакатимиз президенти томонидан тантанали равишда тақдим этилди.

Алишер ОЧИЛОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори

Парламентда

Мавжуда РАЖАБОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик, суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Бу йил қабул қилинган қонунларимизга инсонпарварлик тамойиллари босқичма-босқич сингдириб борилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг бир босқичи иккинчисини тўлдириб бораётир. Бу ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш муносабати билан Жиноят, Жиноят-ижроия, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилганлигида ҳам намоён бўлди.

Қўмитанинг назорат-таҳлил фаолияти ҳам самарали кечди. Негаки қўмитамиз шу даврда энг долзарб масалаларни кун тартибига олиб чиқди. Жумладан, йил бошида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятида ижро этилишини ўргандик. Қўмита қарори жойларга ижро этиш учун юборилди. Шунингдек, Ўзбекистон Бош прокурорининг «Бош прокуратуранинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги ҳисоботини кўриб чиқдик. Бундан ташқари, биз «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ижро этилишини ҳам ўргандик.

Парламент юқори палатасининг ўн иккинчи ялпи мажлисига қўмитамиз учта қонун лойиҳасини тақдим этди. Булар «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг асосий мақсади манзил-колония ҳудудини ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг процессуал суд тартибини белгилашдан иборат. «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ 2008 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг процессуал суд тартиби белгиланган. Шу муносабат билан Жиноят-процессуал кодексининг «Ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби» деб номланган 542-моддаси иккинчи қисм билан тўлдирилмоқда.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, ўтган давр мобайнида барча йўналишлар бўйича салмоқли ишларни амалга оширдик. Аммо, ҳали олдимизда бажаришимиз зарур бўлган катта ишлар бор. 2008 йилдаги режамизда мамлакат Президентининг парламент юқори палатаси бешинчи ялпи мажлисида биз сенаторларнинг олдига қўйган долзарб вазифаларни бажаришдек масъулият турибди. Бу вазифалар маҳаллий кенгашлар депутатлари билан ҳамкорликни кучайтириш, назорат-таҳлилни янада жонлантириш, қўйингки, фаолиятимизга дахлдор барча соҳаларни ичил ислоҳ қилишдан иборатдир.

Ифтихор

Конституция ва демократия

Мамлакатимиз мустақиллигини қонуний мустаҳкамлаган, адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий асосларини ўзида мужассамлаштирган Конституциямиз қабул қилинганлигига ҳам 15 йил тўлди. Ўтган йиллар сарҳисобини қиладиган бўлсак, ҳаётимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларида, қонун ижодкорлиги, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида талайгина ижобий натижаларга эришдик.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасининг биринчи жумлаларидаёқ Инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат тантанали равишда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган бўлиб, Конституциянинг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» деб белгиланган.

Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасида туб бурилиш ясади. Жиноий жазоларни либераллаштириш натижасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилди. Фармоннинг олтинчи хатбошисида «...Давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифода этади» деб кўрсатилгани ҳам бежиз эмас.

Конституциямизнинг 19-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» деб кўрсатилган.

Бу борада Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши тарихий воқеа бўлди. Чунки суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, энг аввало, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишдан иборатдир. Ушбу чора фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишга самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар жараёнидаги яна бир муҳим ҳодиса — «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнайди.

Конституциямизда Ўзбекистон тарихида биринчи марта давлат ҳокимиятининг бўлиниши, кўп партиявийлик ва фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм)ни ҳисобга олувчи янги сайлов системаси, конституциявий даражада мустаҳкамланди.

Шу кунларда авж олган сайлов кампанияси муносабати билан Ўзбекистонда демократик сайловларнинг принципиал қоидалари биринчи навбатда Конституциямизда ўз ифодасини топганлигини таъкидлаш мумкин.

Конституциямизнинг зарварақларини очиб, унинг Муқаддимасида баён этилган мақсад ва вазифалар, уларга эришиш тамойилларини ўқир эканмиз, қалбимизни фахр туйғулари қамраб олади.

Хулоса ўрнида Президентимизнинг сўзларини ёдга олмоқчиман: «Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир».

Жамшид БОБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти

Адолатсиз тендер

Республика бош прокуратурасига Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида яшовчи Д.Мўминовдан келган аризада унинг ҳуқуқлари бузилганлиги, суд адолатли қарор қабул қилмаганлиги, далилларга атрофлича баҳо берилмаганлиги қайд этилган.

2006 йил мазкур туманда Республика Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида «Каттақўрғон маскаси» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси тузилган. Ширкат хўжалигининг 572,6 гектар ери ўрнида фермер хўжалиги ташкил этиш учун танлов эълон қилинган. Танловда иштирок этиш учун «Баландровот» фермер хўжалиги раҳбари Д.Мўминов, «Каттақўрғон маскаси» ширкат хўжалигининг собиқ раиси И.Ҳамиджоновлар ариза беради. Танлов комиссиясининг 2006 йил 7 мартдаги баённомасига асосан И.Ҳамиджонов ғолиб деб топилган. Шу асосда ширкат хўжалиги негизида «Робия Ҳамиджонова-ИМЛ» фермер хўжалиги ташкил этилади.

Шундан кейин Д.Мўминов ҳокимнинг «Робия Ҳамиджонова-ИМЛ» фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ва ҳокимлик зиммасига «Каттақўрғон маскаси» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш юзасидан қайтадан тендер ўтказиш мажбуриятини юклаш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига даъво аризаси киритади. Унинг даъвоси суднинг 2006 йил 28 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясида қарор ўзгаришсиз қолдирилади. Аммо Самарқанд вилоят суди раёсати 2007 йил 1 февралда мазкур қарорни бекор қилган.

Бунда Раёсат бир қанча ҳолатларга таянган бўлса-да, бироқ бу-лар қарорнинг асослилигини таъминлай олмаган. Чунки, танлов шартларига кўра иштирокчиларнинг мутахассислиги ва маълумоти тегишли ҳужжатга асосан 5 баллдан 10 баллгача баҳоланиши белгилаб қўйилган. Шунга кўра, талабгор И.Ҳамиджонов томонидан тақдим этилган «Ўзистиқболстат бозор муносабатлари» ўқув консалтинг маркази томонидан берилган 000250-рақамли дипломга асосланиб танлов комиссияси томонидан унинг маълумоти «олий» деб баҳоланиб, мутахассислиги учун 9 балл, маълумоти учун 10 балл берилади. Очиғини айтганда, ушбу марказ тингловчиларга «олий маълумот» бериш ҳуқуқига эга эмас. Танлов комиссияси эса буни эътиборга олмай, баҳолаш мезонида нохолисликка йўл қўйган.

Қолаверса, Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотномада «Ўзистиқболстат бозор муносабатлари» ўқув-консалтинг марказида И.Ҳамиджоновнинг ўқиганлиги ва диплом олганлиги ҳақида маълумот мавжуд эмаслиги қайд этилган. Шу тарика ушбу марказ бошлиғи С.Тошев, фуқаро И.Ҳамиджонов ва бошқалар мансаб сохтакорлигига йўл қўйган ҳолда қалбаки ҳужжат тайёрлаганлар. Вилоят суди раёсати эса юқоридаги маълумотнома асосида дипломнинг қалбакилигига, ундаги «олий маълумот» деган сўзларнинг ҳақиқий эмаслигига қонуний баҳо бермаган.

Шунга асосланиб Бош прокуратура томонидан киритилган протест Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан қаноатлантирилди.

Ойгул ОТАЖОНОВА,
Ўзбекистон Бош прокуратураси бўлим прокурори

КЕЛИШИЛГАН САВДО

Қаётда гоҳо шундай аҳволнинг гувоҳи бўламиз: ўзини хон қўланкасини майдон, деб ўйлайдиган айрим мансабдор шахслар мансаб ваколати доирасидан чиқиб, ноқонуний ишларга қўл уришади. Оқибатда эса миқоллаб тўплаган обрўсидан айрилишади.

Яқинда Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан Бойсун маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи балансидаги кўчмас мулкларнинг электрон биржа савдосида сотилишининг қонунийлиги ўрганилди.

Аниқланишича, республика кўп тармоқли агросаноат биржасининг Сурхондарё филиалида 2007 йил 21 май куни бўлиб ўтган кўчмас мулкларнинг электрон биржа савдосида Бойсун маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи балансидаги умумий ер майдони 132 кв. метр бўлган клуб биноси фуқаро Абдухалил Абдураҳимовга 1 млн. 881 минг сўмга, 16 июль кунида бўлиб ўтган савдода эса ушбу коллежга тегишли умумий ер майдони 0,30 га. бўлган 25 та хона фуқаро Қодиров Шералига 2 млн. 200 минг сўмга сотилган. Аслида эса «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси 3-бандида «Вазирликлар, Давлат қўмиталари, олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртлари, шунингдек, умумтаълим муассасалари давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига биноан амалга оширилиши» назарда тутилган. Бундан ташқари, бу савдо Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 145-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига ҳам мутлақо зиддир.

Нега юқорида баён қилинган қонунбузарлик содир бўлди? Гап шундаки, вилоят ҳокимлигининг Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари И.Болтаев ва Бойсун маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори Б.Муқимовлар бу масалада тил топишишган. Бу жаноблар ушбу кўчмас мулкларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга эмасликларини жуда яхши билишса-да, «давринг келди, сур бегим» қабилида иш тутганлар.

Биржа савдоси орқали амалга оширилган ва қайд этилган олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида вилоят прокуратураси томонидан фуқаролик ишлари бўйича судига аризалар киритилди.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари И.Болтаев ва коллеж директори Б.Муқимовга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Хушмамат БЕКМУРАТОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

ХАЙРЛИ КЕЧМАГАН ТУН

Бу воқеа Зарафшон шаҳрида рўй берди. Лида (исм ўзгартириб берилмоқда) «Шарқ» барида икки дугонаси билан туғилган кунни нишонлади. Ёшлар еб-ичишиб, рақсга тушдилар. Дугоналар кетишга чоғланишди. Қизларга икки йигит ҳам шерик бўлишди, такси тўхтатишди.

«Нексия» русумидаги такси машинаси ҳайдовчисини қизлар илгари ҳам кўришган ва исми Наримон (исм ўзгартириб берилмоқда) эди.

Наримон уларни Лида яшайдиган манзилга олиб келди. Лида чарчаганлиги ва эрталаб ишга боришини ўйлаб, «кампания» аъзоларига дам олишини айтди. Улар хайрли кеч тилаб, чиқиб кетишди. Аммо тун хайрли кечмади...

Ёлғиз қолган Лида енгил кийиниб олиб, ухлагани ётди. 20-30 дақиқалар чамаси ўтгач, эшик тақиллади. Лида эшик ёнига келиб, «ким» дея сўради. Эшик орқасидаги киши ўзларини олиб келган таксчи Наримон эканлигини билгач, эшикни очди.

Ичкарига кириб олган Наримон Лиданинг халатидан маҳкам ушлади ва уй ҳоналарини шу ҳолда кўздан кечириб чиқди. Хеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб Лиданинг номусига тажовуз қилмоқчи бўлди. Қўрқиб кетган қиз эса қаршилик кўрсатди.

Лида бир амаллаб Наримоннинг қўлидан қутилиб, балконга қочиб чиқди. Орқасидан етиб келган Наримон осонликча муддаосига эришолмаслигига кўзи етди, шекилли, уни дўк-пўписалар ва ўлдириш билан қўрқитиб, яна қизга ташланди. Таъқибдан қочган Лида балконнинг баланд қилиб қурилган (сўри)тапчани устига чиқди. Қабиҳ мақсадига етолмаган Наримон уни балкон деразасидан куч билан итариб юборди. Тўртинчи қаватдан елкаси билан йиқилган Лида оғир тан жароҳати олиб, ҳушини йўқотган ҳолда шифохонага ётқизилди. Тиббиёт ходимларининг саъй-ҳаракати билан Лиданинг ҳаёти сақлаб қолинди. Наримон эса шу куннинг ўзидаёқ қўлга олинди.

Судда Наримон содир этган жиноятини тан олмасликка ҳаракат қилди. Аммо суд-тиббиёт экспертиза хулосалари ҳамда жабрланувчи ва гувоҳларнинг берган кўргазмалари асосида унинг содир этган жинояти ўз исботини топди.

Суд унга нисбатан 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Шавкат ҒАФФОРОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Абдуҳаким ҲАСАНОВ,
журналист

Меҳнатга рағбат

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментида бир неча номинация бўйича танловлар якунланди. Танловда 2007 йилнинг 9 ойи давомида Департаментнинг Кўрғонтепа бўлими «Энг яхши натижага эришган туман бўлими» танлови ғолиби бўлди. Ғолибга Департамент бошлиғи Н.ЙЎЛДОШЕВ «Нексия» русумли автомашина калитини топширди. Мухбиримиз мазкур ютуқни қўлга киритган туман бўлими бошлиғи Бахромжон НАЗИМОВга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Бундай натижага эришишда омил бўлган жиҳатлар ҳақида гапириб берсангиз?

— Жорий йилнинг 9 ойи давомида бўлимимиз томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида 23 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган бўлиб, шундан тўпланган материаллар асосида 18 та жиноят ишлари қўзғатилган. 2 та ҳолатда тўпланган материаллар юзасидан жиноят иши қўзғатиш рад этилган. 3 та ҳолат эса маъмурий тартибда ҳал қилиниб, 4 та шахсга нисбатан 121,5 минг сўм жарима қўлланилди ва унинг амалда ундирилишига эришилди. Туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда Қорасув шаҳар бўлинмаси томонидан бўлимга 24 та материаллар келиб тушган бўлиб, шундан 22 таси бўйича Ўзбекистон Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилган. 1 таси маъмурий тартибда ҳал қилиниб, 1 нафар шахсга нисбатан 62,5 минг сўм жарима қўлланилиб, ҳуқуқбузардан жарима ундириб олинган.

— Бўлим томонидан ўтказилган текшириш ва тадбирларда аниқланган қонунбузарликлар бўйича қандай натижаларга эришилди?

— Текширишларда айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари томонидан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб, бюджетга тўланиши керак бўлган жами 1 млрд. 946,9 минг сўм миқдордаги солиқ ва мажбурий тўловлар қасддан яширилганлиги аниқланган. Ўтказилган тадбирлар давомида ушбу солиқ ва мажбурий тўловларнинг 352 млн. 885,4 минг сўми ундирилди.

Шунингдек бўлим томонидан ўтказилган тадбирларда 141 миллион 179,0 минг сўм корхоналарга етказилган зарарлар аниқланган. Ўзгаларнинг мулкини талон-торож қилиш йўли билан ўзлаштирилган зарарларнинг 60 миллион сўмдан ортиқроғи ҳуқуқбузарлардан ундирилиб, мулк эгаларига қайтарилди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов органларига юборилди.

— Бўлим томонидан валюта қимматликлари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ўтказилган тезкор тадбирлар борасидаги ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бу борада олиб борилган тадбирлар натижасида 4 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 4010 АҚШ доллари, 300 Россия рубли, 30500 сўм далилий ашё сифатида олинган. Аниқланган ҳолатлар бўйича 2 та жиноят иши қўзғатилиб, тергов органларига юборилди. 2 та ҳолат бўйича тўпланган материаллар маъмурий тартибда ҳал қилинди.

— Бугунги кунда яширин цехлар иқтисодиётга маълум даражада зарар етказмоқда. Туманда ана шундай хуфёна иш юритаётган тадбиркорлар билан қандай иш олиб борилмоқда?

— Хуфёна иқтисодиётнинг олдини олиш учун олиб бораётган тарғибот ишларимизга қарамайқўштирноқ ичидаги тадбиркорлар учраб турибди. Бунга қарши кураш мақсадида олиб борилган тадбирлар натижасида 3 та ҳолатда яширин цехлар аниқланиб, ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилган. Ҳуқуқбузарлардан жами 220,2 минг сўмлик товар моддий бойликлари ашёвий далил сифатида олинган.

— Бундан кейинги режаларингиз қандай?

— Албатта, меҳнат рағбати бизни янада яхшироқ ишлашга ундайди. Бундан кейин ҳам ютуқлар сари интилаверамиз.

Суҳбатдош: Махфират ОРТИҚОВА

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Наманган вилояти прокуратурасида вилоят прокуратураси ва жиноят ишлари бўйича вилоят суди ҳамкорлигида ўқув семинари ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2007 йил 20 ноябрдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш юзасидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисидаги» 69-сонли ҳамда «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг айрим буйруқларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 70-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш юзасидан келиб чиқадиган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Умрбод озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазоларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги ва «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланиши тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Бахтиёр ВАҲОБОВ,
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Қонунийлик асосида

Андижон вилоят прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги ва «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги Қарорларини тушунтириш ва амалиётда қўллаш масаласида ўқув-амалий семинар машғулоти ўтказилди.

Семинар машғулотида вилоят прокуратурасининг бўлим прокуророри, шаҳар ва туман прокуратураларининг терговчилари, вилоят, шаҳар ва туман ички ишлар бошқармаси ва бўлимлари терговчилари, вилоят, шаҳар ва туман судларининг судьялари ва вилоят адвокатлар ҳайъати аъзолари иштирок этдилар.

Андижон вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари М.Эгамбердиев қабул қилинган қонунлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча идоралар ходимларига қўшимча вазифа ва масъулият юклашини таъкидлаб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида қонунларни ҳар бир идора ходими мукаммал ўрганиб чиқиши ва амалиётда тўғри қўллаш лозимлигини, одил судловни амалга оширишда Пленум қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Дониёр МАМАЖОНОВ,
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Демократик янгиланишларнинг ҳуқуқий замини

15 йил муқаддам бизнинг демократик давлат қуриш йўлидаги барча интилишларимиз ўзининг қонуний ҳуқуқий асосига эга бўлди. «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» дейилади Бош қонуннинг 2-моддасида. Зеро, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл моҳияти инсон ва унинг фаровон турмуш кечириши учун муносиб шарт-шароит яратишга қаратилган.

Конституциямизнинг асосчиси ва ташкилотчиси Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинганига ҳам 6 йилга яқин фурсат ўтди. Бу йиллар давомида қомусимизни ўқиб-ўрганиш борасида катта ишлар қилинди. Конституция ўқув дастурларига киритилди. Ҳатто боғчада тарбия олаётган фарзандларимиз ҳам бу ҳақда бошланғич маълумотга эга бўлмоқдалар.

Қомусимизни варақлар эканмиз, чиндан ҳам у бугунги кунимиз, яшаш тарзимиз, ҳаётимизга сингиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Унинг 63-моддасида никоҳ тузиш ва оилани ташкил этиш принциплари ҳақида сўз юритилиб, «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», дейилади. Асосий қонунда белгиланган ҳамма тамойиллар, қоидалар оила ҳаётига, оилавий муносабатларга ва уни тартибга соладиган бошқа қонунларга ижобий таъсир кўрсатаётганлигини ҳар бир оила мисолида кўриш мумкин. Қонуний никоҳ эркак ва аёл ўртасидаги тенглик ҳамда ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Адолат ва тенглик қарор топган демократик жамиятда оилавий муносабат юксак муҳаббат, ҳурмат, иззат-икром тамойиллари асосида тузилиши муқаррар. Эр ва хотиннинг никоҳи эркин бўлиши оила муносабатларининг мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим омил эканлигини сира унутиб бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Конституцияси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини муваффақиятли бунёд этиш учун бундан кейин ҳам мустаҳкам кафолат бўлиб хизмат қилаверади.

Неъмат КУЧКАРОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори

«Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ...халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, ...инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, ...ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади».

Давлат ва жамият таянчи

Асосий қонунимизнинг муқаддимасида битилган бу жумлалар ватанпарварлик, эл-юрт қайғусидан бегона бўлмаган ҳар бир ўзбекистонликни тўлқинлантирмай қолмайди. Шу билан бирга Конституциямиз муқаддимасининг ўзиёқ унинг моҳиятини англатиб турибди. Ундаги улуғвор ва жарангдор, самимий ва равон жумлалар ҳар бир юртдошимизнинг эзгу орзу истакларини ифода қилади.

Ўтган йиллар мобайнида юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ислоҳотлар амалга оширилиш билан бир вақтда кучли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди. Шу асосда аниқ йўналтирилган ва самарали чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Тугаётган 2007 йилнинг мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши билан эса ушбу йўналишдаги ишлар янгича мазмун-моҳият касб этди. Республика Президентининг қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалга татбиқ этилди. Еттита устувор йўналишдан иборат бўлган, юзлаб муҳим тадбирларни ўзида қамраб олган бу дастур ижроси жамиятимизга қанчалик ижобий таъсир этганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Ижтимоий ҳимоя йили»да мамлакатимизда амалга оширилган эзгу ишлар ҳақида тўхталар экан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 483 миллиард 600 миллион сўм сарфланганига эътибор қаратди. Албатта, бу йўналишда амалга оширилган эзгу ишларни рақамлар билан ўлчаб, ифодалаб бўлмайди. Шубҳасиз, ҳар бир соҳала эришилган ютуқлар замирида Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриқларга амал қилиниб келинаётгани турибди.

Лола ШОМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар прокуроринг катта ёрдамчиси

ИСТИҚЛОЛ ВА МУСТАҚИЛЛИК РАМЗИ

Конституцияга таъриф берилганда, у давлатнинг асосий қонуни эканлиги, давлат ҳокимияти ташкил этиш принципларини ўзида ифода этиши ҳамда давлат, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларини тартибга солиши ҳақида айтилади.

Жаҳон мамлакатларида Конституциялар номланиши ва тузилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Австрияда Федерал Конституцион Қонун, Германияда Асосий Қонун, Мексикада Бирлашган Мексика штатларининг сиёсий Конституцияси, Канадада Конституцион Акт деб аталади. Дунё давлатларининг конституциялари шакл ва тузилиш жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқланса да, мақсади жиҳатидан ўхшаш.

Тарихий тараққиёт конституцияларнинг икки гуруҳини вужудга келтирди. Биринчи гуруҳ — ҳозирги пайтдагидан фарқ қилувчи шароитларда қабул қилинган конституциялардир. Бу хилдаги конституцияларга юқорида айтиб ўтганимиздай, 1787 йилги АҚШ Конституцияси, шунингдек, 1831 йилги Белгия Конституцияси, 1874 йилги Швейцария Конституцияси мисол бўлади.

Иккинчи гуруҳ — XX асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган «Янги авлод» конституциялари дастлабки конституциялардан ҳуқуқ ва эркинликлар институтининг, конституциянинг ҳимоя қилиш механизмлари ва конституциявий бошқарув ҳажмининг кенгайгани билан фарқ қилади.

Конституциянинг юридик функциялари орасида энг муҳимлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: конституция амалдаги ҳуқуқнинг юқори мезони ҳисобланади; конституция матнида ҳуқуқнинг асосий тамойилларига доир кўрсатмалар мавжуд бўлади; конституцион нормаларнинг ўзи асосан бевосита амалдаги ҳуқуқ ҳисобланади, яъни судлар ва бошқа юридик органлар томонидан татбиқ этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз бугуни ва истиқболида қандай ўрин тутади? Энг аввало, Конституциямиз «Мустақиллик декларацияси» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуни талабларини ўзида тўлиқ акс эттирган. Яъни у мустақиллигимизни конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаган, олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Шу маънода Конституциямизни истиқлол ва мустақиллик рамзи ҳам дейиш мумкин.

Карима НУРМАТОВА,
Ёркул ҲАСАНОВ,
Тошкент юридик коллежи ўқитувчилари

КОНСТИТУЦИЯ — ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ

Ўзбекистон Конституциясининг 2-моддасига биноан, «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар».

Конституциянинг мазкур моддаси демократик давлатимизнинг энг муҳим жиҳатларидан бирини ўзида акс эттирган. «Давлат», «Халқ» тушунчалари Конституциянинг жуда кўп моддаларида учрайди ва улар бир-биридан ажралмас эканлиги сезилиб туради. «Давлат» тушунчасига, унинг моҳиятига таъриф беришда жаҳон ҳуқуқий фанлар тизимида турлича қараш-лар мавжуд. Масалан, давлат-бу муайян ҳудудни ишғол этган ва ягона ҳокимиятга ўюшган халқдир, давлат - бу инсонларнинг яшаш қоидаси шакли. Бинобарин, давлат ва айни вақтда ҳуқуқ ҳам жамиятга, мамлакатга ва айниқса халққа алоқадор, чунки улар жамиятдан, мамлакатдан, халқдан ташқари яшамайди. Халқ эса кенг маънода маълум мамлакатнинг аҳолисидир. Демак, давлат ва халқ доимо ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, қаерда давлат халқнинг қўлида бўлса, унга хизмат қилса ва унинг иродасини ифода этса демократик давлат бўлиб ҳисобланади. Дарвоқе, бизнинг давлатимизнинг энг биринчи вазифаси халқ иродасини ифода этиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилишдир. Шу сабабли Конституциянинг 2-моддасида фуқаролар манфаатининг ҳамма нарсадан устунлиги тан олинган ва қонуний мустаҳкамланган. Масалан, Конституцияда Ўзбекистоннинг демократик давлат деб эълон қилиниши, демократиянинг умуминсоний тамойилларига асосланганлиги, бунга кўра инсон, унинг ҳаёти ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликлар берилиб, уларнинг Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши фикримизнинг далилидир.

Конституциянинг ушбу моддасини диққат билан мушоҳада қилар эканмиз, жамиятимизда инсон давлат учун эмас, балки давлат инсон учун мавжудлигини англаймиз. Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаронинг давлат ҳимоясида эканлиги, барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги Асосий Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган муҳим қоидалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари ташланган дадил қадамлардан бири давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулиятининг қонунлаштирилиши бўлди. Конституциямизга кўра, давлат қонун доирасида инсонлар учун, уларнинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи лозим. Шу боисдан давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатлари, хоҳиш-истакларига хизмат қилмоғи лозим. Бу ҳам мустақил давлатимиз Асосий Қонунининг ўзига хос демократик жиҳатларидан биридир. Чунки «қизил империя»нинг 70 йилдан ортиқ ҳукмронлиги даврида биз давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида, аниқроғи, ундан қўрқиб-чўчиб яшадик. Эндиликда эса ҳамма нарса инсон учун, унинг порлоқ келажаги ва бахт-саодати учун деган ғоя амалда тантана қилмоқда.

Ўзбекистон давлати ўзининг асосий ислоҳотчилик фаолиятида эътиборни аввало халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш даврида мураккаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий жараёнларни бошқаришда бебошликка йўл қўймаслик, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш сиёсати давлатимиз томонидан оғишмай амалга оширилмоқда. «Янги жамиятнинг сиёсий ва давлат тузумини белгилар эканмиз, — деган эди юртбошимиз Ислом Каримов XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида сўзлаган нутқида,— унда ҳар бир одамнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун етарли эрк берадиган шарт-шароитлар яратилмоғи керак». Бунда аввало ҳақиқий демократия қарор топар экан, демак республика аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза этилиши назарда тутилади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, қайси жамиятда бошқа халқ вакилларининг ҳам манфаатлари муҳофаза этилса, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатилса, ўша жамиятда адолат қарор топган бўлади.

Давлатимизнинг бу соҳада тутган йўли ҳам худди шундан иборат.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон — агар у бизнинг Ватанимизни, тупроғимизни худди биз каби муқаддас билса — Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойиқ ва унинг иродаси, манфаатлари давлатимиз томонидан ҳар томонлама ҳимоя қилинажак!

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
ТДЮИ доценти

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ

Ватанни англаш

(Достондан парча)

Озодлик...
Недир бу? Ширин бир тушми,
Ё биз орзу қилган кўкдаги қушми?
Озодлик онамми, бешикни қучган,
Озодлик отамми, пайкалга тушган?
Озодлик боламми, қировларда хор,
Пахта тераётир, қўлларида қор.
Озодлик!
Фиғонми кўкка ўрлаган,
Дилдаги аламми қат-қат тўрлаган?
Озодлик!
Темурбек бобомнинг адл туғроси,
Миллатлар орзуси, кўкнинг Зуҳроси!
Озодлик!
Бағримда минг йиллик наво,
Мунглари бетизгин, бадар, мосуво...
Қирлардан шарқираб оққан зилолим,
Кўнглимдай кемтилган камон ҳилолим...
Озодлик!
Минг йиллик очилган ярам,
Оллоҳ, дарегоҳинг кенг, айлагил карам!

* * *

Ёмғир ёғар эди, изғирин совуқ,
Пахта терар эдим, жунжикиб таним.
Фалакдан самолёт дори сепганда,
Неча йил умримни чеклади ғаним.
Аммо бахиллиқдан семирган тўда
Буни тан олмаса, отаси бошқа...
Ўзи ўзбекман деб ғарбга сиғиниб,
ўзгалар кулоҳин кийганди бошга,
Зардўшт «Авесто»си, Темур «Тузуг»и,
Донишлар ҳикмати бўлди бунда жам,
Ўзлигин таниди, элга эрк берди
Адолат Қомуси — Конституциям!

* * *

Ўзбекнинг кимлигин билмаслар ҳали!
Шарқона ғазабнинг таржимаси йўқ,
Ғарбда буни тушунмайдилар.
Ўзбекдан Широқлар чиққанлигига
Ҳали кўплар ишонмайдилар...
Широқ «қўрқоқ» эди, ҳа жуда «қўрқоқ»...
Қўрқди Ватанини йўқотмоқликдан,
Қўрқди онасини, ёру дўстини
Йўқотиб қўйишдан.
донг қотмоқликдан...
Энди у мангудир!
Буюк Широқдир.
Энди у
Мангуга қўрқувдан йироқроқ эрур.
Ўзбекни қўрқитиш учун дўқ уриш —
минглаб Широқларни уйғотмоқ эрур.
Менинг фалсафам шу -
Ҳар ўзбек Широқ,
Мен ҳам Широқдурман,
Сен ҳам Широқсан!
Тарихингга қараб айтаман халқим,
Сен-да мутеликдан мангу йироқсан!
Сен деб жон бергувчи
ўғлонларинг бор,
Бордир борлиғингга умрини битган.
Оламда бормикин
бирор бир фотиҳ,
Темурбек юртига кўзини тиккан?!.

* * *

Ватаним - мустақил,
Халқим мустақил!
Осон етишмадик мустақилликка...
Қанча- қанча қурбонлар бердик,
Барҳам бермоқ учун қуллиққа.
БМТ томида бугун ғилпирар,
Муқаддас байроғим, элнинг номуси.
Кўзимга нур берди, онгимга зиё
Менинг Конституциям —
бахтим қомуси!
Тоғдим ўз йўлимни,
Нурли йўлимни.
Дўстлик ришталари
кўпайсин, - дея
Дунё халқларига бердим қўлимни.
Ватан,
Сен қонимсан, улуғ имконсан,
Йўқотган боласин мунғайиб кутган,
Йўлларга термулган озурда она,
Фарзандини тоғдан Ўзбекистонсан!
Адолат Қомуси, бош китобимсан,
Элимга эрк берган моҳитобимсан!

«ТАКСИСТ»ЛАР

Кундалик турмушимизни транспортсиз тасаввур қилиш қийин. Барчамиз турли юмуш билан ҳар куни кўп жойларда бўламиз. Мана шундай пайтда транспорт воситалари узоғимизни яқин қилади. Ўзимизда шахсий автомобил бўлса яхши. Лекин бўлмаса, кўчага чиқиб автобус, троллейбус, таксилар хизматидан фойдаланишга тўғри келади. Шу аснода баъзан кўплаб муаммоларга дуч келамиз. Кўпинча соҳа ходимларининг қўполликлари, йўл ҳақининг қимматлиги каби ҳолатлар асабимизни бузади. Шу сабабли газетамизнинг ушбу сонига транспортдаги муаммоларни махсус мавзу сифатида танладик...

Шукурки, ҳозир унча-мунча жойга етиб олиш муаммо эмас. Замонавий «Матиз», «Нексия», «Форд» ва шу каби автомобиллар юртимизнинг хоҳлаган бурчагига етказиб қўйишга қодир. Шу касб орқали ҳалол ризқ топиб, оиласини боқаётган, уй солаётган, тўй қилаётганлар кўп. Аммо бунинг ҳам ўзига яраша машаққати бор. Ҳатто бунинг хавфли томонлари ҳам йўқ эмас. Шунинг баробарида, киракашлар орасида ҳам товламачи, фирибгар, одамларни норози қилиб пулини оладиганларининг борлигини айтмасдан илож йўқ...

— Ўтган йили Қозоғистонга ишга бордик, — деб бошлади ўз ҳикоясини Сирдарё вилоятида яшовчи Абдуҳамид Собиров. — У ердаги иш берувчилар номардлик қилишди. Ҳақимизни тўлиқ беришмади. Костюмни елкага ташлаб, ҳафсаламиз пир бўлганича таксига ўтириб, чегарагача етиб келдик. «Черняевка»да таксист бизни ўз машинасидан туширмасдан туриб олди. У безбетларча келишилган нархдан тўрт баравар қиммат пул талаб қилди. Жанжал бошланди. Улар кўпайиб кетишди.

— Нима гап? — ўзбекча айтилган бу лафздан бизга сал жон кирди. Биз томонга яқинлашиб келган ўрта ёшлардаги бу кишига нажот кўзи билан қарадик. У ҳалиги киракашлар билан қучоқлашиб кўриша бошлагач, яна кайфиятимиз бузилди. Унга «шаллабомлар пул беришмаяпти» деб уқтиришди. У эса бизга юзланиб «айтган пулини нега бермадинглар» деганида баттар жаҳлимиз чиқди. Улар номардлик қилаяпти, биз шофёр билан бошқача гаплашгандик, десак, у гапимизга мийиғида кулиб қўйди. Киракашлар билан чўзилган жанжал ҳали-бери тугай демасди. Олифтага бизни «сотиб олиш»ни таклиф қилишди. Яъни улар айтган пулни ҳалиги таксист тўлаши, эвазига у биздан бир неча баравар кўпроқ ундириб олиши керак эди. Улар савдолашиб бизни ўша киракашга насияга «сотишди». У бизни ҳамма томони ёпиқ «УАЗ» машинасига ўтқаздида, паспортларимизни олиб қўйди.

— Йигитлар, яхшиликча келишиб олайлик. Мен «ўзимизники»ман. Эски шаҳарда мени танимайдигани йўқ. Сизларни чегарадан ўтказиб қўяман. Божхонага ҳам, милицияга ҳам жавоб бераман. Менга юз минг сўм берсаларинг бўлди. Ҳалиям мен сизларга яхшилик қилдим. Уларнинг қўлидан қутқариб олдим. Бўлмаса ичак-чавоқларингни чиқариб ташлашарди. Агар йўқ дейдиган бўлсаларинг тушиб қоларинг. «Проблема»ларингни ўзларинг ҳал қилларинг.

Биз розилик билдирмасимиздан у машинасини юргизди. Машина бизни ўнқир-чўнқир, айланма йўллар орқали ўзимиз тарафга олиб ўтиб, шаҳар четидаги қатор гаражлар олдига келиб тўхтади.

—Қани йигитлар пулни чиқарларинг! Бўлмаса ҳозир милицияга топшириб юбораман. Бунга асос етарли, «незаконно» чет элда бўлгансанлар. Ким билади, у ёқда «террорист»лардан сабоқ олиб келаяпсанларми? Буни улар «уточнят» қилади. Милициядаги таниш оқахонлар хизматимнинг қадрига етишади.

Яқин ўтмишда транспорт энг ўткир муаммолардан эди. Шаҳарлардаги бекатларда тумонат йўловчилар келиб тўхтаган автобусга бир амаллаб илиниб қолиш пайида бўлишарди. Туман марказлари ва қишлоқларнинг аҳолиси биронта манзилга етиб олиш учун соатлаб автобус кутишга мажбур эдилар. Такси, маршрутли таксилар ҳам тақчил, уларнинг ҳайдовчилари йўлкирани гаплашганларида осмондан келишарди. Шошиб турган йўловчини айтган нархларига кўндиришарди. Йўловчи ташиш транспорти етишмас, рақобат, қулай ва арзон хизмат кўрсатиб йўловчиларни ўзига оғдириб олиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Ҳозирги кунда йўловчи ташиш транспорти тақчиллиги муаммоси узил-кесил ҳал этилди. ЎзДЭУАВТО, САМАВТОда ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги енгил автомобиллар, хориждан келтирилган микроавтобуслар йўлларимизни, кўчаларимизни тўлдириб-тоширишди. Энди автобекатларда ҳайдовчилар йўловчи миндириб йўлга чиқиш учун навбат кутишлари одатий ҳол бўлиб қолди. Хусусан, туманимизнинг ўзида бешта корхона ва фермер хўжаликлари йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишяпти.

Бироқ ана шундай вазиятда ҳам ўтмишдан қолган ёмон одат — ҳайдовчилар ўзаро келишиб, ўзбошимчалик билан нарх-наволарни ошириб олишаётган ҳолатлар кўзга ташланяпти. Айниқса байрамлар арафасида шаҳарлараро қатнайдиган автомобил ҳайдовчилари ўзаро келишиб, йўлкирани бир яримикки баробар ошириб қўйишяпти. «Ўзавтодарётранс» агентлиги вилоят бўлими, ЙХХБ, солиқ идораларининг ходимлари кўраётган чора-тадбирларга қарамай, ҳайдовчилик гувоҳномаси олмасдан ўзбошимчалик билан йўловчи ташиш, лицензияда кўзда тутилган йўналишдан четга чиқиш, йўл ҳақини белгиланган меъёрдан ошириб қўйиш каби ҳолатлар узил-кесил барҳам топмаётганлиги фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Туман прокуратураси бундай ҳолатларнинг олдини олиш, Президентимизнинг «Автомобил транспортида йўловчиларни ташиш соҳасида тадбиркорликнинг айрим турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида режали иш юритяпти. Ушбу қарор талабларига мувофиқ хусусий автомобил эгалари тендерда муайян йўналишда хизмат қилиш ҳуқуқини қўлга киритган транспорт уюшмаларига аъзо бўлиб, лицензия олишяпти.

«Ўзавтодарётранс» агентлиги ўтказган танловларда «Соҳибтранс», «Болтабоев Собиржон Жўраевич» фирма ва автокорхонаси, «Шонли Бағдод юктранс» масъулияти чекланган жамияти, «Оқ йўл барака», «Усубали ота» фермер хўжаликлари ўзларига қарашли автомобилларда муайян йўналишларда йўловчи ташиш ҳуқуқини қўлга киритишган. Бироқ уларнинг раҳбарлари тендер танловларида зимма-ларига олган мажбуриятларига риоя этишмаяпти. Хусусан, «Соҳибтранс» уюшмасига аъзо бўлиб «Дамас» русумли машинада Бағдод шаҳарчаси—Қоровултепа йўналишида ишлаётган И.Баҳромов йўл варақасини тўлдириш, автомобилни техник назоратдан ўтказиш, кунлик ишлаган даромадининг бир қисмини уюшма ғазнасига топшириш мажбуриятларини адо этмаган. Медицина кўригидан ўтмасдан ишлайверган. Бағдод шаҳарчаси—Ултарма йўналишида ўзига тегишли машинада йўловчи ташиётган С.Исматов эса «Соҳибтранс» раҳбариятига ариза ёзиб, аъзоликдан чиқиб олганидан кейин лицензиясиз ушбу йўналишда ишлашда давом этаверган.

Туман прокуратураси Давлат солиқ инспекцияси, ЙХХБ ходимларини жалб этиб ўтказган тадбирларда лицензия ва рухсат олмасдан микроавтобус ва бошқа турдаги автомобилларда йўловчи ташиётган 24 нафар ҳайдовчилар маъмурий жавобгарликка тортилди. Махсус рухсатномага эга 35 нафар ҳайдовчилар ҳайдовчилик гувоҳномалари олмай, 24 нафар ҳайдовчилар эса автомашинани бошқариш ишончномасисиз одам ташиётганликлари аниқланиб, ғайриқонуний ишларига чек қўйилди.

Бағдод—Янгиқўрғон йўналиши тендерида «Алфа-транс» МЧЖ ғолиб деб топилган. Тендер таклифларида ушбу йўналишда ҳар бир километрига 8 сўмдан нарх қўйилиб, йўлкира ҳақи 100 сўм қилиб тасдиқланган. Ушбу йўналишда қатнаётган автомобиллар мониторинг тарзида ўрганилганида йўл ҳақи ғайриқонуний тарзда 300 сўмга ошириб қўйилгани, ёки ҳар километр учун 8 эмас, 25 сўмданга тўғри келаётгани маълум бўлди. Шунингдек, МЧЖ зиммасига олган ҳаракат жадвалига кўра кунига 330 қатнов ўрнига 17 та таксилар бор-йўғи икки мартадан, жами 68 марта қатнамоқда. 17 та машинадан 11 таси тендер ҳужжатларига киритилмаган «РАФ» русумли автомобиллардан иборат. «Ўзавтодарётранс» агентлигининг вилоят бўлими назорат юритмагани оқибатида тендер ғолиблари зиммаларига олган мажбуриятларни адо этишмаган. Қолаверса, фуқаролар, йўловчиларнинг бефарқликлари, истеъмолчи ҳуқуқлари асосида талабчанлик қилмасликлари йўлдаги «чапдаст» такси ҳайдовчиларига қўл келмоқда. Бундайларни тегишли тартибда жавобгарликка тортиш билан бирга фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиши одат тусига кириши йўловчи транспортидаги қонунбузарликларнинг олдини олади.

Муродил ФОЗИЛОВ,
Бағдод туман прокурори

ХАЗОН БЎЛГАН УМР

Сентябрнинг салкин тонги. Ғир-ғир эсаётган шабада танга оромбахш ҳузур бағишлайди. Бироқ Наргиза буни хис килмайди, бундан бошка муаммолари талайгина. Биринчи эри вафот этгач, бир ўғли билан бева колди. Чиккан киз чиғириқдан ташқари деганларидек, Наргизани янголари хам чикиштиришмади. Хаммаси бир бўлиб, уни кўшни кишлоклик йигитга узатишди.

Бошида меҳрибон, оққўнгил кўринган Олим аста-секин «ҳунар»-ларини кўрсата бошлади. Деярли ҳар куни бир баҳона топиб Бахтиёрни урадиган, ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлаб, етимдан олиб етимга соладиган одат чиқаргани етмагандек, ичиб келиб жанжал қиладиган бўлди. Наргиза биринчи эри билан севишиб турмуш қургани боис, ундан қолган ёдгорининг азобланишига тоқат қила олмасди.

Охири сабр-косаси тўлган аёл эрига насиҳат қилган бўлди: «Сизнинг бошқалардан нимангиз кам? Анҳор ёқасида яхши тупроқ бор. Одамлар ғишт қуйиб сотаётган эмиш. Биз ҳам бир ҳаракат қилиб кўрайлик». Бу гапни эшитган Олимнинг жаҳли чиқди. «Ҳали одамларга ўзингни кўрсатмоқчимисан?» дея юзига шапалоқ туширди.

Наргиза эртаси куни ўғли Бахтиёрни ёнига олиб, ўзи ғишт қуйишга йўл олди. Она-бола кун бўйи ғишт қуйишди. Қоронғи тушаётган маҳалдагина боласига раҳми келиб, ишни тўхтатишга қарор қилди. Сентябр ойи шу зайлда ўтаверди. 8-синфда ўқийдиган Бахтиёрнинг 20 кундан бери ўқишга келмаётгани эса мактаб маъмуриятини умуман қизиқтирмади.

Одамови бўлиб қолган Бахтиёр онасининг қийналаётганини кўриб, баттар эзиларди. Ҳаммасидан ҳам ўгай отасининг «етимча» деб ҳақорат қилишлари ўтиб тушарди. Бола бўлиб бирор марта ўйинчоқ ўйнамаганини, оҳорли кийим киймаганини эслади. Бу азобларнинг барчасига ўзини айбдор деб ҳисоблаб, кўзлари ёшга тўлди.

Уйда ҳеч ким йўқ. Онаси кўча бошидаги қудуққа сувга кетган. Бахтиёр арқонни ҳовлидаги узум сўрисига боғлади...

Ҳовлига кириб келган Наргиза челакларни ошхонага қўя туриб Бахтиёрни чақирди. Жавоб бўлмагач, хавотир олиб у ёқ-бу ёққа қаради. Ногаҳон кўзи ўғлининг осилиб турган гавдасига тушди...

Эртаси куни маҳалла аҳли Олимнинг ҳовлисига йиғилди. Бироқ энди кеч эди. Уларнинг бепарволиги бир боланинг ўлимига сабабчи бўлди.

Музаффар МАМАТМУРОТОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ОТА ДЕГАН НОМ

Баҳодир (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан қўзғалди.

Ишга отланаркан, одатдагидай чўнтагини ковлаб, пулларини санаб авзойи бузилди. Пулини қайтадан санаб кўрди. «Чўнтак ковлашниям бошлабди-да» дея сўкиниб қўйди.

Ҳаммаси эрталабки кайфиятга боғлиқ, деганларидай Баҳодирнинг ишида унум бўлмади. Ишхонада тушлик вақтигача зўрға чидади. Сўнгниманидир баҳона қилиб уйига жўнади.

— Невараларингиз кўринмайди? - сўради Баҳодир онасининг ёнига келиб ўтирар экан.

— Робия уйда. Жасур репетитордан келиб, шошилганча мактабига кетди. Эрталаб ҳам нонушта қилмаган боякиш. Чой ичиб кет дейишимга қарамади...

Онасининг гапидан Баҳодир хушёр тортди. Қизи Робияни чақириб, Жасурнинг мактабига борди. Мактаб ўқитувчисидан икки кундан буён ўғлининг дарсга келмаётганини эшитиб, тутоқиб кетди: «Одам бўмади бу бола!»

— Ада, Жасур компьютер хонада бўлса керак, — қизи унинг жонига оро кирди.

— Қаерда у жой? Юр, борайликчи.

Шу яқин атрофдаги компьютер ўйингоҳидан Жасурни топишди. Ота-бола индамай уйга кириб келишди.

Муқаррар жазони кутиб турган Жасур отасига илтижо билан қаради: — Адажон, бошқа қилмайман... Кечиринг...

Баҳодир бир сўз демай ўғлини уйнинг ертўласига олиб тушди.

Бола кўнгли сезди, бу галги жазо қаттиқ бўлади.

— Ада, адажон, бошқа қилмайман! - Жасурнинг кўзларидан тирқираётган ёш ҳам Баҳодирнинг кўнглини юмшата олмади.

— Ада дема мени! Менинг ўғри болам йўқ. Бугун менинг чўнтагимга тушасан, эртага киссавур бўласан, шунақами?

Баҳодир ўзини тутиб туролмади. Ўз пуштикамаридан бўлган норасидани аёвсиз калтаклай бошлади.

Шовқин-суронни эшитиб подвалга тушган онасининг гаплариям қулоғига кирмади. Қайтанга онасига ҳам бақириб берди:

— Сиз эркалатавериб шу даражага етказдингиз болани. Ўтган сафар ҳам ўғирлик қилганида тегинтирмадингиз. Кўрсатиб қўяман бунга ўғирлик қилишни? - Баҳодир ўғлининг дуч келган ерига тепаверди.

Ноилож қолган кампир ертўла зинапоясига ўтириб ўғлини қарғай бошлади. Сўнг келини эсига тушиб, уни чақиртиришга ошиқди.

Робия бувисининг топшириғи билан онасини ишдан чақириб келишга жўнади. Робия онасига бўлаётган воқеаларини айтгач, она оёғини қўлига олиб чопди. Ертўлада чанг тупроққа беланиб, қўли қон ҳолатда ётган фарзандини кўриб, «болам» деганча бақириб юборди...

Жасур қийналиб нафас олар. Онаси уни ердан кўтармоқчи бўлганида оғриқдан инграб юборди.

Ошхонада алам устида ароқ ичиб ўтирган Баҳодир, деразадан ҳовлида изиллаб йиғлаб юрган хотинига кўзи тушди. Сўнг «энди бир умр эсидан чиқмайди. Қайтиб отасини чўнтагини ковламайдиган бўлади» дея ўзини овутган бўлди.

Аммо одатдагидай кечикиб келган тез ёрдам машинаси жойидан қўзғалганда Баҳодирнинг ичидан нимадир узилиб кетгандай бўлди.

— Ёш болани шунчалик урасанми? Сатқайи бола кет! Сенам отаман деб бош кўтариб юрибсанда!

—Э-э, ойи! Нима қилганимни ўзим яхши биламан. Мениям отам уриб турарди, лекин мана, юрибман-ку! Жасурдан хавотир олманг, у ўғил бола! Икки-уч кунда кўрмагандай бўлиб кетади, - Баҳодир охирги гапини айта туриб йиғлаб юборди.

Ота кўнгли адашмайди. У бу сафар боласини чалажон қилиб қўйганини ҳис қилиб турарди. Ўғли у айтгандай кўрмагандай эмас, орзу-ҳавасларини кўролмайдиган бўлиб кетди. Она ўғлининг кўз очишига маҳтал бўлиб тонг оттирди. Жасур ҳушига келмади...

Суд ҳукми билан ўз ўғлининг қотили Баҳодир Раҳмонов тегишли жазосини олди. Лекин виждон азоби...

Равшан ҲАКИМОВ,
Шайхонтохур туман прокурори вазифасини бажарувчи

ДЕВОРДАГИ ДОҒ ЎРНИ

Зохиран арзимасдай туюлувчи ҳолат жиноятни фош этишда қўл келади. Девордаги янги қирилган доғ ўрни тергов гуруҳи ходимларининг эътиборини тортди. Бошдан оёқ тинтув ўтказишни тақозо этди. Тинтув чоғида топилган қон томчилари теккан тўшак, кийимлар, пол тахталари орасига қистириб қўйилган, марҳумга тегишли ҳасса-таёқ ҳовли қоровулини гумонланувчи тариқасида жиноят ишига жалб этишга асос бўлди. У кейинроқ тан олганидек, жиноятнинг кўзга ташланувчи изларини йўқотишга тиришиб, деворга сачраган қон доғларини қириб ташлаган эди...

2007 йил 11 март куни Отабек ўртоғи Дониёр билан қишлоқ четидаги янги кавланган зовур қирғогида жағ-жағ (кўкатнинг маҳаллий номи) териб боришаётган эди.

—Ие, анави нима?

Иккаласи зовур ичидаги хашаклар уюмига яқинлашишди. Остида кимдир ётганини кўриб, қўрқанларидан қишлоққа югуришди. Катталарни бошлаб келишди. Улар хашакларни бироз суриб, мурдани танишди. Жўрақўзи-ю!

Воқеа жойига, Шалғом-араб қишлоғининг «Яккатол файз» фермер хўжалиги ҳудудидан ўтган зовурга зудлик билан етиб келган тезкор-тергов гуруҳи ишга киришди. Яланғоч мурданинг кийимлари шу атрофдан топилди. Жасаднинг бош қисмидаги жароҳатлар унинг уриб ўлдирилганидан далолат берарди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Катта шаҳарлардан фарқли ўлароқ, қишлоқда ҳамма бир-бирини беш қўлдай билади. Бу эса жиноятни бир кундаёқ фош этишда асқотди.

Марҳум Жўрақўзи Йигиталиев эллик бир ёшга кирган, икки бор уйланиб ажрашган, иккинчи гуруҳ ногирони — битта оёғи калтароқ, ҳасса таяниб юрар эди. Ҳамқишлоқларининг сўзларига қараганда, ичкиликка ружу қўйган, улфатлари билан тез-тез «отамлашиб» турарди. Улфатлар бирма-бир сўроқ қилинганида сўнгги бор ўн кунча аввал, аниқроғи, 2 март куни бирга бўлганларини эслашди.

— Жўрақўзи Абдуқосим иккаламизни Вали ака деган танишиникига бошлади,—деди Б.Қобилов.—«Запорожец»имда ферма тарафга юрдик. Йўлйўлакай Жўрақўзи дўкондан икки шиша вино олди. Вали ака Иброҳимжон билан овқат пиширишаётган экан. Бешаламиз бирга ўтириб ичдик. Жўрақўзи маст бўлиб қолди. Абдуқосим билан уйга кетдик...

—Вино ичиб олганимиздан кейин Жўрақўзи Вали акага яна овқат қиб туринг, биз ҳозир келамиз, деди,—аниқлик киритди А.Қодиров. — Уччаламиз мошинада дўконга бориб яна икки шиша вино опкелдик. Жўрақўзининг кайфи бор эди, Вали акани дастурхонга қўйган овқатини тўкиб юборди. Лаганга қайта солиб, еб ичиб ўтирдик. Туринг энди, кетамиз десак, Жўрақўзи мен шетта қоламан, деди. Вали ака, Иброҳимжон уччаласи қолишди, биз кетдик.

— Мен кўп ўтирмадим, —деди И.Асронов. — Мошинада иккала улфат кетганидан кейин ярим соатча ўтириб, шийпонга, қоровулхонамга бориб ётдим...

Шу тариқа, гувоҳлар сўнгги бор кўришган куни —2007 йил иккинчидан учинчи мартга ўтар кечаси Жўрақўзи Йигиталиев улфатчилик қилиб ўтиришган уйда ётиб қолгани аниқланди. Ушбу уйни Поп туманининг Чодак қишлоғида яшовчи Абдусаттор Соаталиев етти ой аввал сотиб олган эди. Янги олган уйини қўриқлаб туришни таклиф қилганида, ҳамқишлоғи Вали ака Талабов жон деб рози бўлди. Негаки, у 67 ёшида ҳам сўққабош, на бир бошпанаси, на бир меҳрибони бор, дуч келган жойда ётиб юрарди. Кейинчалик ҳамтовоқ бўлиб олган Жўрақўзи каби у ҳам бир марта уйланиб, битта қиз кўрган, бироқ хотини билан ажрашганидан кейин бошқа оила қурмаган эди. Худди Жўрақўзи каби ёлғизликнинг, умри зое ўтиб бораётганининг аламини ичкиликдан оларди.

Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, иккала сўққабошлар тезда топишиб олишган, кунора бирга вино ичиб, кайф-сафога берилишарди. Валижон Талабов аввалига айбини инкор этишга уринди. Бироқ, қоровуллаб ётган уйидан олинган ашёвий далиллар, хусусан пол тахталари оралиғига қистириб қўйилган марҳумнинг ҳассаси, ўзининг қон юқи кийимлари, кўрпа-тўшаклари, гувоҳларнинг кўрсатмалари қаршисида ожиз қолди. Икки йил бурун марҳумга олма дарахти шохидан ясаб берган ҳассасини гувоҳ Т.Ўлжабоев таниб олди.

—Жўрақўзи фарзанд кўрмаганидан кейин иккинчи оиласидан хам ажрашди, - деди у. — Ёлғиз ўзи турарди. Ногирон, ҳеч қаерда ишламасди...

Валижон Талабов иқрорномасида баён этишича, ўша тунда ёлғиз қолганларидан кейин маст бўлиб қолган Жўрақўзи нафсониятига тегадиган гаплар билан ҳақорат қилган.

— Сени қавмингдан бўлган қизларни зўрлаганман, деди. Сенлар одаммидинг, молдан баттарсан, деб сўкинди. Гапига яраша жавоб қайтарганимда ҳассаси билан хезланди. Ҳассани қўлидан тортиб олиб, дуч келган жойига уравердим. Чўзилиб қолди. Қарасам, ўлиб ётибди. Ўлигини кўтаргани кучим етмади. Кечаси Иброҳимжоннинг олдига бордим. Нима бўлганини айтиб, ўлигини яширишга ёрдам беришни илтимос қилдим. У менга ачиниб, кўнди. Иккаламиз зовурни бўйига судрадик. Судраб бораётганимизда кийимлари ечилиб кетди. Оёқларидан тортиб зовурга ташладик. Кийимларини ҳам оббориб ташладим. Икки кундан кейин ўт-ўланларни юлиб, ўлигининг устини ёпдик...

Жасадни уйдан олиб чиқиб шу яқиндаги зовурга ташлашга қарашиб юборган, содир этилган оғир жиноятни яширган фермер хўжалигининг қоровули, қотилнинг билвосита шериги И.Асронов дастлабки терговда ва суд жараёнида айбига тўлиқ иқрор бўлди.

Суд ҳукми ўқилди. Қотил В.Талабов ва жиноятни била туриб яширган И.Асроновга суд тегишли жазо тайинлади.

Эркин ҒОФУРОВ,
Бувайда туман прокурори

Олти йил қамоқда

Перу суди мамлакатнинг собиқ президенти Альберто Фухимори иши бўйича ҳукм эълон қилди. Фухимори ҳукумат тепасида бўлган вақтда суиистеъмолчиликларда айблор деб топилиб, олти йилга озодликдан маҳрум этилди.

«AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, умуман судда собиқ президент бир қатор жиноятларда айбланган, улардан бештаси коррупцияга доирдир. Ўз вақтида Фухимори Перу махсус хизмати бошлиғи Владимиро Монтесиноснинг турмуш ўртоғи хонадонида тинтув ўтказишни буюрган. Унинг буйруғига биноан полициячилар муҳолифат аъзолари ва оммавий ахборот воситалари ходимларига пора бераётган Монтесинос тасвирга туширилган видеокассеталарни олиб қўйишган. Таъкидлаш лозимки, агарда Фухиморини барча моддалар бўйича айблор деб топишганда, собиқ президент 30 йилга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эди. Айтиш жоизки, Альберто Фухимори 1990 йилдан 2000 йилгача Перу президенти бўлган.

Қурбонлар сони ошди

Жазоирда содир этилган террорчилик ҳаракатларининг қурбонлари сони 52 кишига етди. Портлашларнинг бири БМТнинг қочоқлар масаласи бўйича идораси биноси яқинида содир этилган, деб хабар беради «AFP» ахборот агентлиги. Маълумотларда айтилишича, ўн дақиқа оралиғида икки портлаш рўй берган. Дастлабки суриштирув материалларига кўра, БМТ биноси олдида ичига портловчи мослама жойлаштирилган автомашина, Жазоир Олий суди ёнида эса мактаб автобуси портлатилган. Таъкидлаш жоизки, сўнгги марта Жазоирда 2007 йил сентябр ойида террорчилик ҳаракати содир этилганди. Олтинчи сентябрда мамлакат президенти Абдулазиз Бутефликанинг Жазоир шарқидаги Батна шаҳрига қилган сафари чоғида портлаш рўй беради. Ўшанда 22 киши ҳалок бўлган. Икки кундан кейин эса Делис шаҳридаги қирғоқ қўриқлаш хизмати жойлашган ҳудудда террорчи ўз-ўзини портлатиб юборади. Бу сафар қурбонлар сони 28 тага етган.

Тимошенко номзоди маъқулланмади

Сешанба куни Украина Олий Радаси Юлия Тимошенконинг мамлакат бош вазирлигига қўйган номзодини маъқулламади. «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, «Юлия Тимошенко Блоки» етакчиси учун 225 нафар депутат овоз берган. Қонунчиликка мувофиқ эса бирор бир номзод маъқулланиши учун овозлар сони 226 тани ташкил этиши лозим. Таъкидлаш жоизки, овоз бериш жараёнида «Ҳудудлар партияси», Владимир Литвин блоки ва Украина коммунистик партияси депутатлари иштирок этишмаган.

Тимошенко номзодини «Юлия Тимошенко Блоки» ва «Бизнинг Украина-халқ ҳимояси» сиёсий блокидан иборат парламентдаги коалиция таклифига кўра мамлакат президенти киритган. Ҳозирда Украина парламентида янги бош вазирни сайлаш бўйича бахс-мунозаралар янада авжига чиқмоқда.

ҚОТИЛ КИМ?

Маҳачқалъада Доғистон Олий суди судьяси Курбон Пашаев ўлдирилди. Пашаев 11 декабр куни кечки соат еттиларда Ирчи Казак кўчасидаги ўз уйининг подъездида отиб ташланган. Ҳозирда воқеа жойида тезкор-тергов гуруҳи иш олиб бормоқда, жиноятчиларни ушлаш мақсадида «Вулқон» операцияси эълон қилинган. «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Курбон Пашаев раислигида кўрилган сўнгги жиноят иши - бу 2007 йил 2 март куни Республиканинг Дахадаев туманида содир этилган қотиллик эди. Ўшанда қотиллар туман кенгаши депутатлигига номзодини қўйган икки нафар шахсни ўлдиришган. Мазкур жиноятда ушбу туман маъмурияти собиқ раҳбари Магомед Алиевнинг тўрт нафар ака-укаси айбланган.

Бундан ташқари Пашаев жорий йилнинг 5 апрел куни 2004 йил 3 ноябрда Маҳачқалъада ва 2005 йил 16 февралда Кизляр шаҳрида, Россия Пенсия фондининг маҳаллий бўлими бошлиғига нисбатан қилинган иккита суиқасдда айбланаётган ака-укалар Магомед ва Газимагомед Гаирбеков, Асхабали Газимагомедов ва Омар Алиловларни оқлаб юборган. Бироқ Россия Олий суди оқлов ҳукмини бекор қилиб, ишни қайта кўриб чиқиш учун қайтарган эди.

Шуурсиз қотил

Ўтган якшанба куни Колорадо штатидаги миссионерларни тайёрлаш маркази ва «Янги ҳаёт» черковида тўрт кишини отиб ташлаган шахс ўз жонига қасд қилди. Дастлабки маълумотларда қуроллланган жиноятчини черковнинг аёл қўриқчиси отиб ўлдирган деб айтилганди. Бироқ мурдани ёриб кўриш бўйича тиббий хулосага қарагандa 24 ёшли Мэтью Мюррей қўриқчи томонидан ўққа тутилганидан аввал бошига ўқ узиб ўз жонига қасд қилган.

Эслатиб ўтамиз, 9 декабр куни АҚШнинг Колорадо штатидаги миссионерларни тайёрлаш маркази ҳамда «Янги ҳаёт» черковига 12 соат оралиғида хужум қилинган ва натижада тўрт киши ҳалок бўлган. Полициячилар фикрича, икки босқинчиликни ҳам Мюррей содир этган. Мэтью Мюррей уч йил муқаддам касаллиги боис миссионерларни тайёрлаш марказидан бўшатилган эди. Собиқ курсдошлари уни турли хил овозларни эшитишини таъкидловчи психологик эҳтиросларга берилган шахс дея таърифлашган, деб хабар қилади «AP» ахборот агентлиги.

СУРИШТИРУВ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида содир этилган отишмада олти киши оғир тан жароҳати олган. «France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, номаълум шахслар мактаб бекатида ўқувчилар автобусдан тушаётган вақтда отишма уюштирганлар. Полиция хабарига кўра, отишмада камида икки нафар шахс иштирок этган. Тан жароҳати олган барча ўқувчилар тезда маҳаллий шифохонага келтирилганлар. Ҳозирда полициячилар отишмага алоқадорликда гумон қилинаётган бир нечта шахсни ушлаган, тергов-суриштирув ишлари давом этмоқда.

Қутлов ва табриклар

Республика Акционерлик Тижорат Банки

«ҒАЛЛАБАНК»

G`ALLABANK

2008 Yangi yilingiz bilan!

Юртдошларимизни яқинлашиб келаётган янги 2008 йил билан муборакбод этади! 2008 йил - Ёшлар йилида ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, бахт-саодат тилайди ва банкда қуйидаги янги омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:

«QOMUS» сақлаш муддати - 2 ой, йиллик 28 фоиз;
«BAYRAM» сақлаш муддати - 3 ой, йиллик 26 фоиз;
«UMID» сақлаш муддати - 15 ой, йиллик 25 фоиз.

Мазкур омонат турларига маблағ 2007 йилнинг 31декабрига қадар қабул қилинади.

Шунингдек, «Ғаллабанк» барча турдаги хўжалик субъектлари раҳбарларига

Ходимларга ўз вақтида, қулай тарзда маош тарқатиш

Тўловлар бўйича ҳисоб ишларини енгиллаштиришга

кўмаклашиш мақсадида банкнинг пластик карточкалар орқали «Иш ҳақи» лойиҳасидан фойдаланишни таклиф қилади.

Маълумот учун телефонлар: 133-71-72, 136-74-30, 133-98-80

«ҒАЛЛАБАНК»омонатлари - келгусида даромадларингиз кафолатидир!

«ҒАЛЛАБАНК» — хонадонингизга барака келтирсин!

Халол меҳнати билан халқ эътиборини қозонган тажрибали ҳуқуқшунос, амалиётчи олим, Республикада хизмат кўрсатган юрист, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими кўкрак нишони ҳамда қатор орден ва медаллар соҳиби, юртдошлари ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган Рустам Муҳамедов 1922 йил 15 декабрда Навоий вилояти Нурота шаҳрида туғилди.

ЭЪТИБОР ҚОЗОНГАН ИНСОН

У Сурхондарё вилоятининг Денов тумани прокурорининг ёрдамчиси, Шеробод туман прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёрдамчиси, бўлим бошлиғи, Тўрткўл туманлараро прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоят прокурори, Республика Бош прокуратурасида бўлим бошлиғи каби қатор масъулиятли лавозимларда шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Республика Бош прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор терговходимлари малакасини ошириш Маркази ташкил этилди. Рустам Муҳамедов ушбу марказда ҳам самарали фаолият кўрсатди.

Унинг илмий-назарий ва амалий фаолияти истиқлол йилларида янада ёрқин намоён бўлди. Рустам ака Республиканинг биринчи конституцияси лойиҳасини тайёрлаш комиссияси аъзоси бўлганидан, «Фуқаролик жамияти» бўлимининг «Оила» бобини ёзиш ўзига насиб этганидан ҳали-ҳануз фахрланади. Шу билан бирга Фуқаролик ҳамда Оила кодексининг бир қатор бобларини тайёрлаб, ҳуқуқий нормаларига илмий-амалий шарҳ ёзди.

Рустам Муҳамедов мустақил Республика қонунчилигини ташкил этиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда уни кенг омма ўртасида тарғиб қилиш бўйича кенг қамровли ишларни олиб борди. Олий ўқув юртлари талабалари учун Фуқаролик ҳуқуқи дарслигини бир қатор олимлар билан бирга тайёрлаб, III-даражали дипломга сазовор бўлди.

Рустам ака турмуш ўртоғи Анвархон опа билан 55 йилдан ортиқ умр кечириб, 2 ўғил, 5 қизни тарбиялаб вояга етказишди. Бугунги кунда 18 набира ва 5 чеварага бобо ва буви бўлиб, кексалик гаштини суришмоқда.

Прокуратура тизимида 54 йилдан ортиқ бенуқсон, узлуксиз, самарали хизмат қилиб, кўплаб шогирдлар етиштирган, ижодий фаолияти, фидойилиги ва адолатпарварлиги билан мураббий ҳуқуқшунос олим, қонун ва мустақиллик тарғиботчиси сифатида ҳамкасблари, ҳуқуқшунослар ўртасида обрў қозонган инсон — Рустам Муҳамедовнинг қутлуғ 85 ёши муборак бўлсин.

ЎЗИМИЗНИНГ САПАРБОЙ ОҒА

Инсон умрини халқимиз бекорга оқар дарёга қиёс қилишмайди. Дарё ўз йўлида қанча-қанча ерларга об-ҳаёт таратиб боғу-бўстонларни яратади. Яхши одам ҳам мисоли дарёдек. Умри давомида оқил фарзандлар тарбиялайди, эл корига ярайдиган шогирдлар етиштиради. Сапарбой оға Доспанов ҳам ана шундай инсонлардан.

– Ўтган умримдан мамнунман, – дейди Сапарбой оға. Умр йўлдошим Назира билан 4 ўғил 2 қизни тарбиялаб вояга етказдик. Бугун улар эл хизматида. Юздан ортиқ шогирдларим фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда фаол хизмат қилаяпти.

Сапарбой оғанинг меҳнат фаолиятига назар соладиган бўлсак, у умрининг 48 йилдан ортиғини ҳуқуқни муҳофаза қилишга бахш этди. Сизнинг умр йўлингизга назар солган шогирдларингиз сизга ҳавас қилади.

Иш фаолиятингизни туман прокуратурасининг терговчиси, Мўйноқ туман ва Нукус шаҳар прокурорлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчиси, Нукус шаҳар судьяси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди судьяси ҳамда Олий суди раисининг ўринбосари, Нукус шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтдингиз.

Иккинчи Жаҳон урушида қатнашиб, кўрсатган жасоратингиз учун бир неча маротаба давлат мукофотлари орден ва медаллар билан тақдирлангансиз. Ишлаш даврингизда ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, ишдаги талабчанлик, фидойилик, изланиш, ташкилотчилик ва ташаббускорлигингиз билан сафдошларингиз орасида ҳурмат қозондингиз. Прокуратура ходимлари Сизни фидокорона меҳнатингизни, касбга садоқатингизни ва инсоний фазилатларингизни яхши билади ва қадрлайди. Узоқ йиллик меҳнатингиз ва ижобий иш фаолиятингизни самараси ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, Сиз бир неча маротаба орден ва медаллар ҳамда «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» унвони билан тақдирлангансиз.

Сапарбой оға, сизни 85 ёшингиз билан қутлаймиз!

Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонингизга тинчлик-осойишталик тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

Йўллар ва одамлар

(Давоми. Бошланиши 9-бетда).

Шу боис жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан Республикамиз кўчаларида ҳаракатланаётган автомобилларга хавфсизлик камарларидан қатъий тартибда фойдаланиш лозимлиги жорий этилди.

Бу талабга бўйсунмаганларга нисбатан эса қонунчиликка мувофиқ, энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солиниши кўзда тутилди. Лекин янги қоидаларда истисно ҳолатлар ҳам назарда тутилган бўлиб, унда хавфсизлик камарини орқа ўриндиқда ўтирган ўн икки ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камарини тақиш имконини бермайдиган беморлар, шунингдек, аҳоли пунктларида йўналиш таксилари ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндиғидаги йўловчилар бу камарни тақмасликлари мумкин.

Бундан роса ўн йил олдин, аниқроғи 1997 йили Ўзбекистонда ҳозирги кунда амал қилиб келаётган янги турдаги миллий давлат рақамлари жорий этилган эди. Орадан ўтган давр мобайнида давр тақозоси ила бу тизим янада такомиллаштирилиши лозимлиги яққол кўриниб қолди. Шу сабабли Ўзбекистонда автомототранспорт воситаларига янги давлат рақамларини жорий этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилиниб, амалдагиларининг ўрнини халқаро андозаларга мос бўлган янги давлат рақамлари эгаллайдиган бўлди. Хўш, янгисининг афзаллиги, унинг ҳозиргисидан фарқи нимада? Унинг фарқлари бирмунча. Масалан, юридик шахсларнинг автотранспортларига бериладиган давлат рақамлари фони оқ рангда бўлиб, четлари, рақамлар ва ҳарфлар қора рангда бўлади. Чап тарафда ҳудуд коди, ўнгда Ўзбекистон байроғи ва UZ ҳарфлари битилган.

00 | 000 MMM | UZ

Жисмоний шахсларнинг автомобилларига бериладиган давлат рақамларининг умумий кўриниши ҳам шунга ўхшаш бўлса-да, фақат ҳарфларнинг жойлашуви билан фарқ қилади.

00 | M 000 MM | UZ

Олий давлат органлари, бошқарув органлари ва вазирликларнинг автомобилларига бериладиган давлат рақамларининг кўринишида аввал давлат байроғи, сўнгра учта ҳарф ва учта рақам бўлади. Ҳудуд коди бўлмайди.

PAA 000

Шуниси эътиборлики, янги намунадаги давлат рақамлари ёруғликни акс эттирувчи қопламалар, коррозияга чидамли металл қотишмалари қўлланишини, шунингдек қалбакилаштиришдан ҳимоя қилишнинг юқори даражасини таъминловчи махсус технологияга мувофиқ амалга оширилади.

Бундай давлат рақамларини жорий этишдан кўзланган асосий мақсад миллий давлат рақамларини халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқлаштириш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек уларни қалбакилаштириш ва ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишдан иборатдир. Айни пайтда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги томонидан Республикамизда автомототранспортлар ва уларнинг тиркамалари учун янги давлат рақамларини амалиётга жорий этиш борасида босқичма-босқич ишлар олиб борилмоқда. Унга кўра янги намунадаги давлат рақами белгиларини беш йил мобайнида тўла жорий этиш кўзда тутилган. Бунинг асосий сабабларидан бири - энг аввало юқорида айтилган ҳолатлардан ташқари, айни пайтда амал қилиб келаётган давлат рақамлари автомобиллар сонининг ортиши ҳисобига айрим ҳудудлар учун жуда тор бўлиб қолди. Қолаверса, мутахассисларнинг фикрича жорий этилаётган янги намуна йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг оператив-қидирув ишлари учун жуда қулайдир.

2008 йилнинг биринчи чораги якунига қадар автомототранспорт воситаларининг ишлаб чиқарилиши йилидан қатъи назар улар эгаларининг ёзма мурожаати асосида янги намунадаги давлат рақами белгилари ихтиёрий равишда, янгидан рўйхатдан ўтказилаётган барча автомототранспортлар учун мажбурий тартибда берилади.

Бунда рўйхатдан ўтказиш эски давлат рақами белгиларини янгисига ихтиёрий равишда алмаштириш тўғрисида 2007 йил мобайнида мурожаат қилган автомототранспорт воситалари эгалари рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимни тўлашдан озод қилинадилар, яроқсиз ва йўқолган давлат рақами белгиларини ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини мажбурий алмаштириш ҳоллари бундан мустаснодир.

Мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам четлаб ўтмади. Аниқроғи, ҳайдовчилик гувоҳномаси янада такомиллаштирилиб, халқаро андозаларга мослаштирилди. Албатта, ушбу гувоҳнома дунёнинг халқаро андозаларига мос бўлса-да, тил борасидаги тўсиқ туфайли у дунёнинг барча давлатларида амал қилавермайди. Лекин бугунги кунда бунинг имконини берувчи шарт-шароитлар ҳам яратилган. Айниқса, бу хорижий давлатларга чиқиб ишловчилар учун катта қулайликлар яратиб берди. Бошқача қилиб айтганда, ҳайдовчилик гувоҳномаларига эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари халқаро ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам олишлари мумкин.

Халқаро ҳайдовчилик гувоҳномаси нафақат Ўзбекистон, балки дунёнинг 189 та давлатида автомототранспортни бошқариш ва ижарага олиш имконини беради. 1968 йилдаги «Йўл ҳаракати ҳақида»ги Вена конвенцияси талабларига мувофиқ, халқаро ҳайдовчилик гувоҳномаси миллий ҳайдовчилик гувоҳномасидаги барча маълумотни 8та халқаро тилдаги (инглиз, француз, испан, рус, араб, хитой, немис ва япон) таржимасини ўз ичига олган. Унинг тури ва услуби жуда ҳам оддий бўлиб, асосий ҳужжатдан ташқари пластик карточка ҳам берилади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам голограмма ва кодлаштирилган магнит чизиғи билан бирга бир қанча ҳимоя даражаларига эга.

Бундай ҳужжатни олиш учун автомобиль ҳайдаш ва йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини билиш борасида ҳеч қандай имтиҳон ёки тест топширилмайди. Чунки, халқаро ҳайдовчилик гувоҳномаси миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг БМТнинг 8 та асосий тилларига қилинган таржимасидир. Бу гувоҳнома унда қайд этилган муддат давомида амал қилади. Лекин шуни унутмаслик лозимки, бу гувоҳнома миллий ҳайдовчилик гувоҳномасисиз ҳақиқий ҳисобланмайди.

Бундай гувоҳномани олиш учун Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси 40-уйда жойлашган 1-офисга мурожаат этиш мумкин.

Биринчи телевизор кашф қилинганда бу оламшумул воқеа бўлган эди. Аммо йиллар давомида у турли кўринишлар касб эта бошлади. Бугун эса унинг гугурт қутисидагидан тортиб, кинозал ҳажмдагисигача бўлган турли функцияларга эга бўлганлари ҳам мавжуддир. Технологик тараққиёт ила бадиий, мультипликацион фильмлар, видеоклиплар ва ҳоказо кабиларни кўриш учун кинотеатрга боришнинг ҳожати қолмади. Буни исталган жойда томоша қилиш имкониятлари тобора кенгайиб кетмоқда. Масалан, интернетнинг онлайн тизимида, уяли телефонда, автомашинада кетаётиб ҳам кўриш мумкин. Бу эса узоқ йўлга чиққанларга манзилга зерикмасдан етиб бориш ва маданий ҳордиқ олиш имконини беради. Аммо оқнинг қораси ҳам бўлганидек, бундай қулайликлар гоҳида аянчли ҳолатларга ҳам сабабчи бўлмоқда. Жумладан, автомашинада кетаётган вақтда видеоклип ёки кино томоша қилиш натижасида ҳайдовчининг эътибори бирмунча чалғийди. Шунинг учун аянчли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида шу йилнинг 16 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан транспорт воситасини бошқариш пайтида ишлаб чиқарувчи корхона томонидан автомашина салонининг олд қисмида ўрнатилган теле-видеомониторлардан фойдаланиш, шунингдек, автомашинанинг олд қисмига ўзбошимчалик билан шу каби ускуналарни ўрнатиш тақиқлаб қўйилди.

Тилга олинган барча ўзгаришлар энг аввало фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини муҳофаза қилиш, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Бундан эса тўғри хулоса чиқариш ва унга риоя этиш албатта, яна фуқаролар масъулиятига боғлиқдир.

Келинг яхшиси, ўз уйимиз, оиламиз бағрига эсон омон қайтиб бориш энг аввало, ўзимизга боғлиқлигини унутмайлик.

Дониёр ХАЛИЛОВ,
ҳуқуқшунос

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks:133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 1155. 16 674 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.30 2345678